DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7628499 Pages: 41-46

WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИНГ ШАРҚОНА МАЪРИФАТИ

Жамила Шермухамедова
ф.ф.д. профессор.,
Ўзбекистон Республикаси маънавият ва маърифат
марказининг Маърифат тарғиботчилари
жамоасининг эксперти.

Калит сўзлар: аёллар, гендер, гендер тенглиги, гендер сиёсати, стратегия, хотин-қизлар.

Аннотация: Аёлларнинг маърифати, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва тенглигини таъминлаш жамият тараққиётининг барча даврларида долзарб аҳамият касб этган. Авесто муқаддас китобида аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий фаол бўлиши учун ўқиш, меҳнат қилиш, оила қуриш, хўжалик ишларига ўргатиш қоидалари ўз ифодасини топган. Қадимги Турон аёл саркардаси Тўмариснинг ўз қабиласини маҳорат билан бошқариши ва Эрон подшоси Кир II қарши мардларча курашиши исломгача бўлган даврдаёқ аёлларнинг давлат бошқарувидаги ижтимоий тенглиги қарор топганлигидан далолат беради. Мақолада Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек, гендер тенглигига эришиш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини ёритиб берилган.

EASTERN ENLIGHTENMENT OF GENDER EQUALITY

Key words: women, gender, gender equality, gender policy, strategy, women.men.

Abstract: Women's enlightenment, assuring their social involvement and equality, has been relevant at all stages of society's evolution. The book "Avesta" discusses women's equal rights with males, as well as the guidelines for training them to study, work, start a family, and do housework in order to become socially engaged. The skilled leadership of Tomaris, an ancient Turanian female commander, and her valiant battle against the Iranian monarch Cyrus II attest to the fact that women's social

equality in public administration was established long before Islam. According to the article, among the social policy goals in New Uzbekistan are safeguarding women's legitimate rights, freedom, and interests, enhancing their participation in society and the state, and attaining gender equality.

ВОСТОЧНОЕ ПРОСВЕЩЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА

Ключевые слова: женщины, гендер, гендерное равенство, гендерная политика, стратегия, женщины.

Аннотация: Просвещение женщин, обеспечение их социальной активности и равноправия приобретало актуальное значение во все периоды развития общества. В книге «Авеста Мукаддас» описаны равные с мужчинами права женщин, правила обучения их учебе, работе, созданию семьи, выполнению домашних дел для того, чтобы стать социально активными. Искусное руководство Томарис, древней туранской женщины-полководца, и ее отважная борьба против иранского царя Кира II свидетельствуют о том, что социальное равноправие женщин в государственном управлении определилось еще в доисламский период. В статье поясняется, что обеспечение законных прав, свобод и интересов женщин Нового Узбекистана, усиление их роли в жизни общества и государства, а также достижение гендерного равенства является одним из приоритетов социальной политики.

VII асрдан ислом динининг тарқалиши билан ижтимоий муносабатлар ва диний эътиқод ўзгарган ва агар исломгача бўлган даврда аёл ва эркакнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги таъминланган бўлса, ислом дини тарқалиши билан аёллар ва эркакларнинг ижтимоий тенглигига муайян тақиқлар қўйилган. Бироқ, шундай вазиятда ҳам аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давом этганлар. Масалан, Амир Тимурнинг давлат бошқаруви даврида Сароймулкхоним аёллар учун мадраса қуриш ва уларда аёлларнинг илму маърифатини оширишни ташкил этган, Бобурийлар сулоласининг вакили, Аврангзебнинг қизи Зебунисо, XVIII охири XIX асрнинг бошларида Амир Умаржоннинг турмуш ўртоғи Нодирабегим, Увайсий, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Анбар отин ислом дини маърифатини тарғиб қилган ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Низомий Ганжавийнинг Хисрав ва Ширин, Алишер Навоийнинг Фарҳод ва

Ширин достонларидаги бош образлардан бири Меҳинбону аёлларнинг бошқариш қобилиятининг бадиий ифодаси бўлса, 630 йил давом этган Усмонилар салтанатини 130 йил давомида бошқарган Хуррам хоним, Кўсем ва Турхан хоним, шунингдек, 60 йил давомида Саудия Арабистонини бошқарган опа сингиллар малика Асма ва малика Фатманинг аёллар ҳам давлатни бошқариш маҳоратига эга эканлининг ёрқин намунасидир. Шунинг, XX асрда, хусусан 1988-1990, 1993-1996 йилларда Беназир Бхутто, 1993-1995 йилларда Покистон Ислом Республикасининг бош вазири, 1992-1996 йилларда Тансу Чиллер Туркия Республикасининг бош вазири, 1995-1996 йилларда Холида Зиенинг - Бангладеш республикасининг бош вазири, 1997-2005 йилларда Маъсумеҳ Эбтекарнинг Эрон ислом Республикасининг вице Президенти лавозимида ишлаши бир томондан ислом динининг сукулярлашуви, яъни эркинлашуви, иккинчи томондан ислом давлатларида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги барча даврларда юқори даражада эканлигидан далолат беради. Бу жараён ҳозирги даврда ҳам давом этмоқда, хусусан 2001-2004 йилларда Индонезиянинг Президенти Мегавати Сукарнопутри, 2009 йилларда Бангладеш Республикасининг бош вазири Шайх Хасина Важед, 2017 йилдан Сингапур Президенти Халима Якуб давлат бошқарувида юқори маҳорат ва фидойиликни намоён этмоқдалар.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек, гендер тенглигига эришиш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу нуқтаи- назардан, тарихий воқелик ва жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида янги Ўзбекистонда гендер сиёсатини таъминлашнинг институционал асослари ишлаб чиқилган.   Хусусан, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш бўйича комиссия тузилди.

Парламент юқори палатасининг Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари қўмитасининг фаолияти давлат сиёсатини амалга ошириш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган

бўлиб, бугунги кунда бу борадаги парламент назорати изчил амалга оширилиб, қўмита томонидан гендер тенглигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиб бормоқда. Бугунги кунда Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши фаолиятининг асосий вазифаларидан бири аёллар ва қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ва аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш, ҳамда Пекин ҳаракат платформаси ва Миллий ҳаракат режасини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ёш қизларнинг илму маърифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2019 йилдан кам таъминланган оилада тарбияланаётган қизларга давлат бюджетидан олий таълимга ўқишга кириш учун 5 % лик квота ажратилди, 2020 йилда бу кўрсаткич 10 фоизга ошди ва бу жараён давом этмоқда. 2022 йилда барча ёшдаги аёлларнинг магистратурада давлат бюджетидан ўқишининг ташкил этилиши “аёли маърифатли жамият маърифатли бўлади” эзгу ғоясининг ижросини таъминлашга йўналган.

Аёлларни иш билан таъминлаш ва “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Фаровон қишлоқ”, “Бешта муҳим ташаббус” да белгиланган эзгу ғояларнинг ижросини таъминлаш мақсадида хусусий банклар томонидан аёллар учун махсус имтиёзли кредит ажратилмоқда. Масалан, сўнгги беш йилда аёлларга 7,4 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. 2021 йилда тадбиркор аёллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш жамғармасидан 1,4 триллион сўм ажратилди, 620 200 минг аёл иш билан таъминланди, 106 минг аёлга хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароит яратилди, биргина 2020 йилда “Ҳар бир оила тадбиркор” эзгу ғояси доирасида126 минг нафар аёлга имтиёзли кредитлар ажратилди, 125 минг нафар аёлга оила тадбиркорлигини ривожлантириш учун кредит ажратилди. Бешта муҳим ташаббус доирасида вилоят ва туманларда яшаётган аёллар учун тикув

цехлари ташкил этилди, 10 мингдан ортиқ аёлларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, қонунчилик базасини такомиллаштириш бу борадаги устувор йўналишлардан биридир. Шу боис, Ўзбекистонда аёлларни ҳар қандай камситиш ва таъқиблардан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни назарда тутувчи халқаро шартномаларни амалга оширишнинг фаол иштирокчиси эканлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистонда Гендерга оид қуйидаги қонунлар қабул қилинди:

- “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида”;
- “Аёлларни таъқиб ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”;
- “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”;
- “Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;
- “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”;
- аёлларнинг меҳнат фаолиятининг илгари тақиқланган турларини танлаши билан боғлиқ чекловларни ва меҳнат қонунчилигининг бошқа гендер-ассиметрик қоидаларини олиб ташлаш тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 2030-йилгача бўлган даврда гендер тенглигига эришиш бўйича Стратегия ишлаб чиқилмоқда, бу эса жамият ҳаётида аёллар, шунингдек, эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларни таъминлайди.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги Аҳолишунослик жамғармасининг минтақавий директори Алан Армитаж “Ушбу стратегияни амалга ошириш натижасида

Ўзбекистонда кўпроқ аёллар етакчилари пайдо бўлишини, урбанизация барқарор шароитда амалга ошишини” таъкидлаган, ва бу таклифнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда 17 миллиондан ортиқ хотин-қиз учун муносиб турмуш шароити яратилган. Ўзбекистонда ҳам қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳам суд ҳокимияти вакиллари орасида сиёсатчи аёлларнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда 2021-йилда миллий парламентларда аёлларнинг глобал улуши 25,5 фоизни ташкил этди. 2019-йил якунлари бўйича парламент сайлови якунларига кўра, хотин-қизлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу эса, Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлаш бўйича 50 та етакчи давлат (190 та давлат ичида) қаторидан деярли барча постсовет давлатларидан олдинда эканлигидан далолат беради. Бу Ўзбекистон парламенти фаолиятини ташкил этишда принципиал янгича ёндашувлар, шунингдек, гендер тенглигидан далолат беради.

Демак янги Ўзбекистонда аёлларнинг маърифатлилик даражасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш жараёни тизимли ташкил этилган ўлиб, бу авлодлараро ворисийликнинг таъминланаётганлигидан далолат беради.